

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 34 (65861)  
1995 йил, 12 сентябрь, сешанба

Сотувда  
эркин нархда



## ЮРТ БАЙРОҒИН БАЛАНД ТУТГИЛ...

Шижоат кўрсат, ўғлон,  
Қойил қолсин бугун жаҳон,  
Умид кузин тикар бугун,  
Сенга аҳли Ўзбекистон,

— деб куйланди Биринчи  
Марказий Осиё уйинларининг  
тантанали очилиш маросимида.  
Бу уйинлардан мақсад катта  
эди.

«Бирлашайлик, бирикмаган  
бирлашолмас...»

Бирикканлар билан ҳеч ёв  
буйлашолмас» деганларидек,  
она Туркистон — узбек, қозок,  
қирғиз, туркман, тожик фарза  
ндлари — бир булоқдан сув ич  
ган Турон заминининг ўғлон  
лари, Туркистон полвонлари  
олимпия уйинларига тайергар  
лик кўригидан утди! Демак, гу  
зал Тошкентимиз эллар аро,  
диллар аро бирликнинг, эрк  
ликнинг, хотиржамлик, тинч  
ликнинг тимсоли сифатида  
кунглига спорт беллашувлари  
ни сизгидира олди. Демак, эл обод,  
одамлар шод... Бу ҳақда водий  
лик тенгдошингиз шундай ҳикоя  
қилади.

Исми-шарифим Диёр Ҳали  
лов. Фарғонадаги 1-мактаб  
нинг 7-синфида ўқийман. Ша  
ҳар техника ижодиёти маркази  
қатнашчисиман. Картинг спор  
ти буйича кўпгина мусобақа  
ларда қатнашиб, совриндор  
булганман. Ҳозирча ўқиб-урга  
наяман. Аммо гап бешлаган  
имдан мақсадим бу эмас, жо  
нажон Ўзбекистонимизда бу  
либ утган беш оғанини, қоң  
қардош давлатларнинг белла  
шувларидан олган баъзи бир  
таассуротларим ҳақида тенг  
дошларимга ҳикоя қилиш.

Ушунда мен ҳам мамлақати  
мизнинг ҳар битта фуқароси  
каби ҳаяжонда эдим. Пойтахти

миздан озгина олисроқда яша  
сам-да, радио, телевидение, мат  
буот маросимни кузатишга мен  
га кумақдош бўлди. Президен  
тимиз Ислам Каримовнинг  
нутқларини, Халқаро Олимпия  
қўмитаси президенти Хуан Ан  
тонио Самаранч тилақларини  
жон қулогим билан тингладим.  
Уларнинг ҳар бир сузи юрагим  
да севинч уйғотди, қувончдан,  
фахрдан овозимнинг борича  
ҳайқиргим келди.

— Очиғи, биз тантанали оч  
илиш маросимини ва умуман  
уйинларнинг ташкил этилиши  
ни бунчалик мукамал ва гузал  
булишини кутмагандик, — де  
ди Қозоғистон Миллий Олимп  
ия Қўмитаси бош қотиби Қан  
нат Абишев, 1-Марказий Осиё  
уйинларида иштирок этаётган  
делегация раҳбарлари билан  
булган матбуот конференция  
сида. — Олдинда навбатдаги  
уйинлар турибди. Жаноб Сама  
ранч 2-Марказий Осиё уйинла  
рини Қозоғистонда утказиш  
мумкинлигини билдирди. Бу  
масалада биз ҳукуратимиз раҳ  
барлари билан маслаҳатлаша  
миз, албатта. Аммо ҳозирдан  
айтай, уйинларни Ўзбекистон  
дагидек ташкил этиш қийин.


Айтинг-чи, дўстларимизнинг  
бу сузларидан фахрланмай бу  
ладими?! Мени айниқса ҳая  
жонга солган яна бир нарса —  
Қозоғистон терма командаси  
нинг аъзоси, еш мерган Юлия  
Бондареванинг 1-Марказий  
Осиё уйинларининг дастлабки  
олтин медали соҳибаси були  
ши эди. Бу воқеа ёдимга юртбо  
шимизнинг теннис буйича  
«Президент кубоги» учун II  
халқаро турнир епилишидаги

нутқидан куйидаги сатрларни  
солди: «...мусобақа иштирокчи  
ларининг бу ердан мағлубият  
аламини тортиб эмас, балки  
қониқиш ҳосил қилиб кетиши  
ни истаган эдик.

Биз барчамиз сизлар — тур  
нир иштирокчилари, мураб  
бийлар ва ҳакамлар қалбимиз  
нинг бир парчасини, узбек меҳ  
мондўстлиги ҳароратини олиб  
кетишларингизни истаймиз».

Бу сузлар жуда камтар, халқ  
қа яқин бир улуг инсон сузла  
ри. Албатта улар меҳмон юра  
гида илиқлик, меҳр уйғотади.

«Ўзбекистон Президенти куб  
оги» II халқаро турнирида Бош  
соврин марокашлик теннисчи  
Карим Алабийга насиб этди.  
«Бизнинг спортчиларимиз Олег  
Огородов, Дима Томашевич,



Темур Хонхужасв, Темур Га  
ниев ва бошқа теннис ракетка  
си усталари бу гал голиблар  
сафидан жой ололмаганидан ун  
чалик уксимасин, ишончим ко  
милки, сизларни олдинда катта  
ғалабалар кутади. Энг муҳими  
шундаки, сизларнинг уйинла  
рингизни томоша қилган, сиз  
ларга ғалаба тилаган ҳар бир  
киши сизнинг узингизга хос ма  
тонатингиз, мардлингиз,  
қатъиятингизни эътироф этмоқ  
да», далда беради Президент.  
Менимча, спортчи акаларимиз  
га бу сузлардан ортиқ ва қадрли  
мукофот булмаса керак.

Спортчи ака-опаларимиз 1-  
Марказий Осиё уйинларига  
тайергарлик ҳақидаги гаплари  
ҳам мени бефарқ қолдирмади.


— ...Фаолиятим давомида  
Туркменистон, Тожикистон,  
Қозоғистон стадионларида ҳам  
мусобақаларда қатнашдим, —  
дейди тусиқлар оша 400 метрга  
югуриш устаси, касаба уюшма  
лари «Спартак» жамияти ваки  
ли Павел Ремизов. — Ва шуни  
аниқ айта оламанки, «Пахта  
кор»даги каби ажойиб қошлама  
ли стадион бошқа республика  
ларда йўқ.

«Мусобақаларнинг қизгин  
палласида юнон-рум кураши  
буйича ҳампортларимиздан Ас  
лиддин Худойбердиев, Шерму  
ҳаммад Кузиевлар ҳурмат шоҳ  
супасининг энг юқори поғона  
сидан жой олишади...»

«Ҳозирча Ўзбекистон терма  
командаси ҳисобида 13 та ол  
тин, 14 та кумуш, 6 та бронза  
нишонлари бор...»

Ана шунақа. Мен бир кичик  
спорт ишқибози, уз Ватани  
шон-шавкати, ғалабалари билан  
фахрланувчи фарзанди сифати  
да 1-Марказий Осиё уйинлари, у  
ҳақдаги одамлар-гап-сузларини  
кузатар эканман, пойтахтимиз  
яқин келажакда Олимпиадани  
узида қабул қилажагига ишон  
дим ва бундан фахрландим.

**Диёр ҲАЛИЛОВ,**  
Фарғонадаги 1-  
мактабнинг 7-синф  
ўқувчиси.



## БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Грузия давлат раҳбари,  
республика парламенти  
нинг раиси Эдуард Ше  
варднадзе юртимизга рас  
мий ташриф билан кел  
ди.

Бир ҳафта давом этган  
1-Марказий Осиё уйин  
лари спорт олимпиадаси  
уз ниҳоясига етди.

Тошкент шаҳрининг  
Белтепа даҳасида замона  
вий мактаб қурилиб иш  
га тушди. Унда ҳозирда  
1150 ўқувчи таълим-тар  
бия олмоқда.

Бухородаги Бахоуддин  
Нақшбанд зиёратгоҳида  
фарғоналиклар томони  
дан бог барпо этилди.

Сурхондарё вилояти,  
Музработ туманидаги 67-  
урта мактабга таниқли  
ёзувчи марҳум Менгзиё  
Сафаров номи берилди.

Юртимизнинг «оқ ол  
тин» хирмони 250 минг  
тоннага етди.

Пойтахтимизда йилига  
100 минг дона чарм курт  
ка тикиш қувватига эга  
буладиган «Гулмир» Ўз  
бекистон - Туркия қуш  
ма корхонасининг та  
ништириш маросими бу  
либ утди.



Зиёд ака 1931 йилда Галлаорол туманининг Кўкгумбаз қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Болалик йилларида иккинчи жаҳон уруши қийинчиликларига ва ота-онасидан 10—11 ёшларида жудо бўлиб, етим қолишига қарамасдан ўрта мактабни, сўнгра 1952 йилда Жиззахдаги Х. Олимжон номидаги педагогика техникумини муваффақиятли тамомлади. Уша йилдан бошлаб ўқитувчилик фаолиятини бошлаган Зиёд ака туманининг кўпгина мактабларида ўзбек тили ва адабиётдан болаларга сабоқ бериб келди.

Дунёда шундай инсонлар борки, бутун ҳаёти давомида фақат бир мақсад — эл юртва хизмат қилиб, халқ орасида яхши ном қолдирсам, дейдилар. Бугунги мустақил Республикаимизнинг ёш авлодларига таълим ва тарбия бериб ўз касбини муқаддас билиб ардоқлаб келаётган Зиёд Сатторов ана шундай инсонлардан.

1965 йилга қадар ўзи туғилиб ўсган Кўкгумбаз ва қўшни Заргар қишлоқларида мактаб йўқ эди. Шу сабаб ўша йилнинг ўзидаёқ Зиёд Сатторов, Ҳайитбой Уринбоев, Жуман Алимов сингари қишлоқ фаоллари бошчилигида аҳоли мадади билан мактаб биноси қад кўтарди. Бор-йўғи бештагина хонага эга бўлган бу мактабга Зиёд ака директор этиб сайланди.

## БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР

Уч-тўрт чақирим узоқликда жойлашган туман марказидаги мактабларга қатнаб ўқиётган қишлоқ болалари учун мактабнинг очилиши айни муддао бўлди.

Бугунга келиб эса мактаб ҳавас қилса арзигудек чиройга эга. Икки гектарга яқин майдонни эгаллаган ўқув маскани ободонлаштирилиб, кўзни қувонтирар даражага келтирилган.

— Биз мактабимизни тузатиш учун бирор жойдан ёрдам кутмаймиз, ўз ҳудудимизда етиштирилган минглаб терак ва меваларни ўз қишлоғимиз аҳолисига арзон баҳода сотиб, маблағни мактабимиз учун ишлатамиз. Мактабимиз ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўтган йили 6 хонадан иборат қўшимча мактаб бино-

сини ва болалар учун устахонани ишга туширдик, — дейди Зиёд ака. — Бизда таълим ҳам яхши йўлга қўйилган, қишлоқ мактаби бўлишига қарамасдан барча техника воситалари, компьютерлар, замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган.

Албатта, мактаб ҳаётини бундай яхши йўлга солиб олиш фақат болаларни севган, тадбиркор инсон раҳбарлигидаги жамоанинггина қўлидан келади.

Бу йил аҳил жамоа ўз мактабларининг 30 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Зиёд Сат-

торов қўлида минглаб ўғил-қизлар улғайишди. Мактаб жамоасидаги ўқитувчилар орасида у кишининг шогирдлари ҳам бор.

Ҳозир Зиёд ака бахтли ота, ҳам бободир. У кишининг 6 нафар фарзанди, 20 дан ортиқ набиралари бор. Фарзандлари меҳри ва шогирдлари ҳурмати туфайли бўлса керак, Зиёд ака 60 ёшдан ошган бўлса ҳам соғлом ва ҳали улкан режалари бор. Бу йил урушдан қайтмаган 16 нафар ҳамқишлоқлари шарафига ёдгорлик қўриш ишларига ўзи бош-қош.

Меҳрибон ўқитувчи ва раҳбар, халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, ўнлаб фахрий ёрлиқлар соҳиби, ўз умрини болалар тарбиясига бағишлаган отахонга мустаҳкам ирода, гайрат-шижоат ва куч-қувват тилаймиз.

Пўлат АЛИМОВ.

## Боғчага компьютер

Сулим боғ ичидан болажонларнинг шириндан-ширин жарангдор овозлари эшитиларди:

— Боғча опа, қаранг қуғирчоғимни.

— Вуй, худди узи булибди-я, меники эса ҳечам ухшамаяпти, қандай ясадинг?

Боғча опалари эса бирига қуғирчоқ ясашни ургатса, иккинчисига самолёт ясашни тушунтирарди.

Бу болажонлар туманлараро булажак «Севимли уйинчоқлар» кўрик-танловига уз

қўллари билан уйинчоқлар тайёрлашаётган экан...

Кўрик-танлов ҳам булиб ўтди, голиб аниқланди. У — Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги Б. Омонов номли жамоа хужалигидаги 5-«Гулгунча» болалар боғчасининг кичкинтойлари эди.

Боғча 280 нафар болага мулжалланган булиб, болаларнинг яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, мусиқа ва спорт зали, нутқни ривожлантириш учун лингафон хонаси, ёзги бассейн, дам олиш

шийпончалари ҳамиша гавжум.

Яқинда улар «Соғломжон — полвонжон» спорт уйини танловида ҳам қатнашиб, районлар уртасида биринчи, вилоят буйича учинчи урини эгаллашга муваффақ бўлишди. Боғчага эса куни кеча Халқ таълими вазирлиги томонидан 450 минг сўмлик компьютер совға қилинди. Бу ҳам булса жонкуяр боғча опаларининг самарали меҳнатлари мевасидир.

Дилбар ОМОНОВА,  
Сурхондарё вилояти.



Ҳасан-Хусан Бўриевлар Жиззах шаҳридаги 9-хунар-техника билим юрти талабалари. Болалар бу ерда пластмасса (елим) буюмлар ишлаб чиқариш усулларини ўрганиш билан бир қаторда ўзлари ҳам челақ, турли гултуваклар, тоғорачалар ясашда бевосита иштирок этаяптилар.

Суратда: — Биз ясаган челақлар дўконлардагидан сира қолишмайди, — дейишади ака-укалар.

### Ҳаёт сабоқлари

## «ЎЗИМ БИР КУН ШУ ҲОЛГА ТУШГАН ЭДИМ»

Бир қиз йиқилиб, букса суяги буғимидан чиқиб кетибди. Манман деган табиблар ҳам ҳеч иложини топа олишмабди. Шунда бир кампир: «Менга уч кун сув ичмаган сигирни топиб келинлар», дебди. Орадан бир оз вақт утар-ўтмас чўлда юрган бир сигирни олиб келишибди. Кампир қизни сигирга миндириб, оёқларини унинг қорнига боғлаб қўйибди, сигирга сув берилгач унинг қорни шишиб қизнинг оёқлари сонидан тортилибди, шик-шиқ этиб, букса суякларини уз урнига тушибди. Кампирдан: «Қандай қилиб бу иложни топдингиз?» — деб сураганларида, у: «Ўзим бир кун шу ҳолга тушган эдим», — деб жавоб берибди.

## КЎЗИНГ ОҒРИСА ҚЎЛИНГНИ ТИЙ

Бир боланинг кузи тез-тез оғриб турар экан. Ота-онасининг назарида куз дорилари яхши наф қилмабди. Болани кўрган кекса бир шифокор қандайдир суюқ дори ёзиб берибди-да:

— Болангиз қўлини мана шу дорига ботириб утирсин, — дебди.

— Бунинг кузга қандай алоқаси бор, — деб сурашибди.

— Болангиз ифлос қўллари билан доим кузини ишқалар экан. Бу дори қўлни тозалайди. Халқимиз «Кузинг оғриси қўлингни тий», деб бежиз айтишмаган-да.



Ёз бўйи шундай бўлди. Ҳамма болалар тоғ қўйидаги оромгоҳларда, соя-салқин боғроғлар бағридаги қишлоқларда дам олаётган бир пайтда Сурайё мактабга чопарди. Энг қизиги, у ўқийдиган 15-мактабга Қибрай туманидан анчагина ўқувчилар келишарди. Бунинг сабаби, у ерда экология маркази ташкил этилганлигида эди.

Йўқ, бу ерда марказ раҳбари Дилором опа Давронова, ўлкаимизнинг табиати, гуллари, қўшларини севавчи бошқа ўқувчилар ҳам бўларди. Улар ўсимликларнинг хоссалари, гумусли тупроқдаги ҳолати, ўсиш шароитини ўрганишар, аввал экилган ўсимликлар парвариши билан шуғулланишарди. Мактабларда ўқишлар бошланиб, марказ иши янада жонланди.

Суратда: — Қаранг устоз, ўсимликлар гумусли тупроқда оддийсига қараганда икки баробар тез ўсаркан, — демоқда Сурайё Эрпазарова ўқитувчи Дилором опага.

Р. Альбеков олган сурат.



Эрта тонгда уйгондингиз, кунингизни очингиз келмайди. Уйкунгиз учар-учмас, телевизор мурватини бурайсиз. Ундан эса барчамиз учун қадрдон чеҳра жиламайиб боқади. Бардамликка, илдамликка ундовчи сузлар айтиб, илиқ қаршилайди. Курсатув сунгида эса барчамизга омонлик, кунимизга хотиржамлик, дастурхонимизга тукинлик, ишларимизга ривож тилаб, хизматга кузатиб қолади. Қарабсизки, уйкудан кейинги ланжлик, сусткашлик аломатларидан асар ҳам қолмайди.

Гап ким хусусида кетаётганини фаҳмлагандирсиз? Тугри, Узбекистон телевидениеси суҳандони, аниқроғи, Насиба опа Мақсулова ҳақида. Мана, 30 йилдики, ешлигининг жушқинлигию, бор гайрат-маҳоратини суҳандонлик касбини ардоқлашга сарфлаб келаётган камтарин инсон ҳақида.

— Насиба опа, ёшлигингизни кўрмаган бўлсам-да, кулча юзли кулгичлари ўзига ярашиб тушган хушрўйгина қизалоқ кўз олдимга келаяпти.

— Болалик чоғларимни жуда яхши хотирлайман. Нафақат отонам, балки авлод - ажлодларимиз, қариндош-уруғларимизнинг аксарияти шифокорлардир. Мақсуловлар сулоласини эшитган жойингиз бордир.

Шундай булсада, отам санъат ихлосманди эдилар. Комилжон Отаниёзов, Галия Измаилова оиламизнинг энг яқин дуслари бўлиб, бизни кимга тез-тез келиб туришар, узоқ-узоқ давом этадиган гурунлар куй-қушиққа, рақсларга уланиб кетарди. Мен эса энг серзавқ томошабин булардим. Айниқса, Галия опанинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб утирардим. «Улғайгач Галия опамдек раққоса буламан», деган орзулар оғушида сармаст уйкуга кетардим. Шаҳар болалар саройи қошидаги рақс тугарагига қатнаб юрган кезларимда телевидение орқали бериб бориладиган «Қизил галстук» курсатувида рақс ижро этишга тақлиф қилишди. Кейин кичик-кичик ролялар беришди. Болалар учун «Гунчаой» курсатуви миз буларди. Курсатув бошида рамзий гунча очилиб, ичидан чиқиб келардим-да болалар билан саломлашардим. Биларжон, Билмасвойлар билан саргузаштга саяхатларга чиқардик. Курсатув сунгида эса болалар билан хайрлашиб, яна гунча ичига кириб кетардим. 1959 йилдан буён мана шу даргоҳдаман, шу ерда суягим қотган, десам муболага булмайди. Кейинчалик, «Ешлик» студиясида «Иштиқбол эгалари», «Ғазалдон ёшлигим», «Куйла 18 ешлигим» каби курсатувларни олиб бордим. Юрагимнинг тубига яширин артист бўлиш орзуи ҳамон сунмаганди. Онамга қолса, шифокор бўлишимни хоҳлардилар. Шунда марҳум устозим Уктам ака Жобиров журналистика қулиётига кириб уқишимни ҳамда ишимни давом эттиришимни масъахат бердилар.

1967 йилда, махсус суҳандон-

лар курик-танловидан муваффақиятли утиб, суҳандон бўлиб ишлай бошладим.

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша сир-синаотлари, машаққатлари бўлади. Касбнинг ҳақида, устоз ҳамда шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб беринг.

— Касбимиз ута масъулиятли, шу билан бирга шарафли ҳамдир. Суҳандонлар нафақат яхши номи, хушсурат, балки ижодкор бўлишлари ҳам лозим. Матн қандай ёзилган булса шундайлигича, нуқта, вергулларигача уқиб бермай, уз фикр-мулоҳазаларимиз билан тулдириб, бойитиб боришимиз ҳам талаб этилади. Мен устоз деганда қулимдан етаклаб, «буни бундай қиласан», дейдиган одамларни тушунмайман. Насиба Иброҳимова, Уктам Жобиров, Насиба Қамбарова, Ольга Полевая, Галия Мельникованинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини, юриши-туришларини, камера қаршида узларини тутишларини матни қандай уқишларигача менинг назаримдан четда қолмасди. Уларнинг барчасидан нималарнидир урганганман. Шу маънода уларнинг барини узимга устоз деб биламан.

Шогирдларим ҳам талайгина: Дилором Умарова, Раҳматилла

нимдан маъно излайман, завқланаман, инсонларнинг кўпроқ яхши хислатларини куришга интиламан. Қариндош-уруғларим, опа-укаларим, дусларим, фарзандларимнинг қувончу ютуқларига ошно тутинганим сайин ёшаравераман.

Тугри айтдингиз, телевидение суҳандони бўлишнинг ўзига яраша машаққатлари ҳам йўқ эмас. Шундай булса ҳам агар менга қайта умр берилса, танлаш имкони яратилса, яна айнан мана шу касбни танлаган булардим. Узоқ йиллар давомида уз севган касбимда ишлаб келаётганим учун турмуш уртоғимдан беҳад миннатдорман. Барно, Отабек, Гузал исмли фарзандларимизни улғайтириш, тарбиялашда бир тан, бир жон булдик. Оилада бир-биримизни жуда яхши тушунамиз. Меҳрибон она булгандини улғайтириш, тарбиялашда уз муносиб уринларини топиб олишди. 3 ёшли набирам Жийханнынг тарбияси билан шуғулланишга ҳам фурсат топаман. Ҳозир Жийхан 3 тилда: узбек, рус ҳамда араб тилларида бемалол гаплаша олади.

— Беш панжа баробар бўлмаганидек, инсонлар ҳам ҳар хил бўладилар: дили пок — ғаразли, ҳавасманд — ҳасадгўй, камтарин — ҳавойи. Телевидение орқали бериладиган «Нишона» курсатувида қатнашиб юрган кезларим эди. Бир

кунни курсатувдан сўнг ёнимга келиб, гарчанд мени умуман танимасангизда масъахатлар, йўл-йўриқлар бера кетдингиз. Йўл қўйган камчиликларимни тушунтириб бердингиз. Ушанда сизнинг

ўта камтар, самимий, беғубор, билганларини ёшлардан аямайдиган инсон эканлигингизга амин бўлганман. Ваҳоланки, фақат ўзим бўлай, дейдиган, билганларини ёшларга ўргатса, ўрнини кимлардир эгаллаб олишдан чўчидиганлар ҳам йўқ эмас.

— Русларда хуп топиб айтилган бир аjoyиб нақл бор: ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган одам йўқ. Бу оддий ҳақиқатни ҳар биримиз тан олишимиз керак. Умиди ёшларимизга йўл беришимиз, билим ва тажрибаларимизни улардан аямаслигимиз лозим. Акс ҳолда яшайдан, инсон деган номни кутариб юришдан не мақсад?! Кимга қанақа билмайману, лекин мендан бирор киши ердан, масъахат сураса, бошим осмонга етади, қувонч билан боримни тукиб соламан. Узим ҳам бирор нарсани ижод қилсам шогирдларим, ҳамкасбларимга уқитиб куриб, фикрлари билан қизиқаман. Шу тариқа томошабинлар нигоҳини ҳис қилгандек, фикрларини уққандек буламан.

— Инсон борки, орзу умидлар билан яшайди. Сизнинг ҳам, орзуларингиз борми? Режаларингиз қандай?

— Режаларим мул, орзуим ягона. Келгусида «Умид» конкурсиди дастуримизни давом эттириш, уз мухлисларига эга булган муаммоли курсатувлар тайёрлаш ниятидаман. Ягона орзуим эса узим ҳам, фарзанд, набираларим ҳам Мақсудовлар сулоласининг муносиб давомчилари булолсам. Оиламиз шаънини янада юксакларга кутарсам!

— Фарзандларимиз орасида худди сиздек, сизлардек ойнан жаҳон суҳандони бўлиш орзусида ёнаётган, ҳар бир хатти-ҳаракатингизга нишона тақлид қилиб юрган ўғил-қизларингиз талайгина. Уларга тилакларингиз қандай?

— Болажонларга тилагим - энг аввало соғлом, баркамол бўлишсин. Чунки саломатликдан ортиқроқ бахт ҳам, бойлик ҳам йўқ. Яна, билимдон, зукко, уқтам, дидил, мақсад сари интилувчан йигит-қизлар бўлишсин. Суҳандонлик касбига меҳр қўйганлар кучлилик орасида, дуслари даврасида узларини, қобилиятларини синиб куришсин. Булмадим, тушкунликка тушмай, тортинмай яна ва яна ҳаракат қилаверишсин. Шундагина диддаги орзулари армон бўлиб қолмайди.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

**Ф. ЖАЛИЛОВА**  
суҳбатлашди.

## Раҳмат, шофёр амаки

**Бу воқеа августнинг охирларида юз берди. Ҳайдовчи Аъзамжон ака Иномов ишдан қайтарди. Гира-ширада Катта Наманган каналида ёш қизалоқни оқиб бораётганини кўрдию, ўзини каналга отди. Гирдоб довжорак инсоннинг ўзини ҳам бир айлантириб, пастга тортди. Хайриятки, у эпчиллик қилди. Хушини йўқотган қизчани қирғоққа олиб чиқди. Қизча «1-Оромгоҳ» маҳалласидаги 2-уй, 20-хонадонда яшовчи Малика Низомова эди.**

**Маликанинг ота-онаси ҳамда маҳалла аҳли Аъзамжон Иномов, у меҳнат қилаётган 22-автокорхона жамоасига ташаккур билдиришди.**

Тургунпўлат СУЛАЙМОНОВ.



## Хунардан ризқинг унар

**Ҳали тонг ёришмаёқ устахона томондан тақ-туқ товушларини эшитган Шухрат ака ўридан туриб ўғлининг хонасига қаради. Йўқ... «Умиджон устахонада? Нима қилаяпти экан?» Шухрат ака шу ўй билан Умиднинг ёнига шошилди.**

**Ёш уста сабзи тўғрайдиган тахтача учун тайёрланган ёғоч устини силлиқлаётган экан.**

— Сифдошим илтимос қилувди. Бугун мактабга олиб бораман, деб ваъда бергандим, — деди жиддийлик билан шогирд устозига.

**Тошкентдаги 177-мактаб ўқувчиси Умид Ҳожиматовнинг дадаси Шухрат ака меҳнат таълими ўқитувчиси. Болаларга талабчан ва меҳрибон муаллим. Ўқувчиларга ва ўз ўғлига темиртерсак ва тахталардан турли-туман буюмлар ясашни кунт билан ўргатади. Келгусида унинг шогирдлари орасидан машҳур дурадгорлар, моҳир усталар чиқишидан устоз умидвор.**

Суратда: ёш уста Умид ва унинг отаси Шухрат ака Ҳожиматов.



## Табиатга меҳр—инсонга меҳр

**Тахтача янги ўтирган подшо навкарликка яна ўн нафар йигит танамоқчи бўлибди. Талабгорларга қўйилган шартнинг биринчиси қўйидагича экан: бир соат ичда осмонда учиб юрган қушлардан биттасини уриб келиш. Орадан бир соат ўтгач, йигитлардан бештаси биттадан қуш олиб келишибди. Бештаси эса йўқ эмиш. Подшо ўша йигитларни чақариб келишни буюрибди.**


— Бизни авф этинг, учиб юрган қушга тош отишга қўлимиз бормади, — дейишибди бошларини эгиб йигитлар.

— Сиз эсониворларга раҳмдиллигингиз билан қўлингиздан инсонларга ёмонлик келмаслигини исбот этдингиз. Энди қолган шартларни бажаришга шайланаверинг, — дебди подшо.

**Дилоод билан Шерзод ҳам ривоятда ҳикоя қилинган йигитлар сингари қушларнинг дўстлари. Бу — уларнинг келгусида яхши инсон бўлиб етишишларидан далолатдир.**

Р. Альбеков олган сурат.

# ҲАВАСНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС



тоблар денг, Навоий, Фузлий, Увайсий, Нодира газалларини бериб уқишни, ёд олишни хуш курадиган юввошгина бу болакайни келгусида таниқли мусаввир булади деб ҳеч ким уйламаганди. Биргина адабиёт фани муаллими Хуршиднинг чизган суратларини куриб, келажакда ажойиб расом буласан, дея умид билдирганди. Устозининг унга булган ишончи Чингиз Аҳмаров асарларининг пинҳона шайдоси бўлиб юрган Хуршиддон қалбидаги қизиқишни алангалатиб юборди. Уқувчилик давридаёқ Чингиз Аҳмаров билан учрашди, йул-йуриқлар, маслаҳатлар олди. Уста унинг чизган суратларини диққат билан кузлан кечирди-да:

— Қобилиятинг сезилиб турибди, лекин жуда кўп ишлашинг керак. Хоҳласанг, эртаданок устахонамга келавер, менга шогирд буласан, — деди.

Шу-шу Хуршид ака таниқли мусаввир Чингиз Аҳмаровга шогирд тушди. Устозидан одамларнинг чизгиларини, перспектива қонуниларини диққат билан урганди. Кейинчалик, Беньков номидаги Республика бадиий билим юртининг ранг-тасвир бўлимида таҳсил олди. «Усто» бирлашмаси қошида очилган миниатюра тажриба устахонасида ишлаш бошлади.

Маълумки, авваллари миниатюра услубида ишлаётган мусаввирларга эътибор йўқ, умуман санъатнинг бу тури деярли урганмаган эди. Хуршид ака 1982 йилдан буён санъатнинг айнан ана шу тури — миниатюра услубида ишлаш бошлади. Устозлари Шо-

маҳмуд ака Муҳаммаджоновдан, папье-машье (тош қоғоз) технологиясини ургатган Ниезали Холматовдан беҳад миннатдор.

Хуршид ака ҳозирги кунда уч хил йўналишда: локли, қоғозга дастгоҳли, деворга монументал услубда, мазмун жиҳатдан адабий-тарихий, маиший мавзуларда ижод қилиб келмоқдалар.

— Газетангизнинг утган сонларидан бирида «Наққошликка йул» рўқни очилганини ўқиб, жуда севишим. Фарзандларимизни халқ амалий санъатининг сир-асрорлари билан чуқурроқ таништиришга бел боғлаб кўп яхши иш қилиб-сизлар, — дейди Хуршид ака. — Шу маънода миниатюра санъатига ихлосманд ёшларимизга айрим тушунтириш ва йўналишлар бериш ниятидаман. Локли миниатюра ҳозирги кунда жуда оммавийлашиб кетган. Мендан купинча: «Мана шу ишларингизни оддий ёғочдан ясаб қўя қолсангиз булмайди?» дея сураб қолишади. Маълумки, оддий ёғоч деформацияланади, яъни иссиқда кенгайиб, совуқда торади. Натижада локи ёрилиб, кучиб кетади. Тош қоғоз эса иссиқ-совуққа, ҳатто намга ҳам ута чидамли булади. Бу йўналишда ижод қилишимнинг боиси ҳам шунда. Ёшлиқдаги адабиётга булган қизиқишим келажак ҳаётимда қўл келди. Узим ўқиган эртақ, дostonлардаги, тасаввуримдаги ранг-тасвирларнинг аксини миниатюрадан топдим, десам янглишмайман. Мумтоз адабиётимиз намуналарини, газал ва рубоийларни ўқир эканман, уларда шундай бир сатр учрайдики, у кўз унгимда миниатюра тарзида яққол намоён булади. Шу заҳотиёқ қўлимга муйқалам олиб, ишга киришаман.

Шуни мамнуният билан таъкид-

лашни истардимки, ёшларимиз орасида мусаввирлик иштиёқида ёнаётган, хусусан, миниатюра соҳасида изланаётганлар талайгина. Улар авваламбор пухта билим олишлари, тарихни, фалсафани, этнографияни яхши билишлари, энг муҳими утмишдош мусаввирлардан Камолитдин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳиб, Султон Муҳаммад ва бошқаларнинг асарларини яхши билишлари керак. Қолаверса, уз устиларида тинимсиз ишлашлари, изланишлари лозим. Мақтанса арзигулик, умидли шогирдларим талайгина. Улардан бири — Мунира Ғойбова 1992 йилда республика миқёсида ўтказилган курик-танловда голиб чиққан булса, Рихсила Раҳмонов худди ана шундай танловда 1994 йилда муваффақият қозонди. Сирдарелик Баҳодир Бобо-

назаров, бухоролик Давлат Сафаров, тошкентлик Дилфуза Холиқовадан ҳам умидимиз катта. Ҳозирги кунда куплаб ёшларимиз Европа санъати билан қизиқадилар. Истардимки, фарзандларимиз машаққатлардан чўчимай, узимизнинг миллий санъатимиз билан шугуллансалар, ажодларимиз анъаналарининг давомчилари булсалар.

Интиланганга толе ёр, дейдилар. Хуршид ака Назаров ҳам худди ана шундай мақсад сари интилиб яшайдиган инсонлардан бири. Толе ҳаммиса сизга ёр булаверсин, Хуршид ака!

Наргиза АКБАР қизи.

СУРАТДА: Хуршид ака Назаров ишлаган миниатюра асарларидан намуналар.  
Сураткаш Р. АЛБЕКОВ.



## БУНИ БИЗЛАР БИЛИБ ОЛДИК...

— Ким айтади сутка нима? —  
Деб сўради биздан Ғани.  
Шу нотаниш сўзи билан  
Уйлантирди у ҳаммани.  
Сутка — кўёш чиқишидан  
Яна қайтиб чиққанча  
Оралиқдан сезилмасдан  
Утадиган кундуз-кеча.  
Бир ҳафтамиз — етти сутка,  
Бир ой эса — ўттиз сутка.  
Буни бизлар билиб олдик,  
Урган тезроқ сен ҳам, ука...  
Урганмоқ учун ҳам, ургатмоқ  
учун ҳам китоб уқиш керак, газе-  
та ва журналларни варақлаш шарт.  
Аммо сизга ургатадиган, яхши ҳам-  
сухбат буладиган нарсани нима, би-

ласизми? Ҳа, билиб турибсиз, бу «Тонг юлдузи» газетаси.

Арзон совғанинг нархи тезда учирлади. Аммо «Тонг юлдузи»нинг нархи арзон булса-да, онгизига, шуурингизга битилдиган билимлардир. Шунинг учун унга езилдингизми? Дустингизнинг туғилган кунини ҳам «Тонг юлдузи»га обуна қозонини топширсангиз, укангиз еки опангизнинг яхши ишларидан қувонган чоғингизда, фаҳрингизни газета орқали ифодаласангиз, қандай соҳ!

Уқийман, урганаман, деган болаларга ҳеч қайси ота-она имконият яратмасдан қўймайди. «Тонг

юлдузи»нинг ҳамроҳи булсангиз, ҳижжалаб ўқийдиган мақола ва ҳикояларингизни бир кўз югуртириб чиқишдаёқ сувдек ичиб юборадиган буласиз. Тугри, бунда кинолардек залворли, олди-қолди воқеалар кам. Лекин битта кино куриб, лаззатланишдан кура, кичкинагина ибратли хикоятни ўқиганингизда тафаккурингиз кенгайиб, янада ва яна ўқишга чоғланиб қолганингизни узингиз ҳам билмай қоласиз. Чунки куриб еки эшитиб ургангандан кура, ўқиб, мулоҳаза юритиб билим олган хотирада узоқ сақланади.

Бир сутка — 24 соатдан иборат экан, шунинг бир соатини газета ўқишга бағишламоқ қандай яхши! Яхши хислатингизга хислат қушиб, фазилатли булишингиз, кундек учиб утадиган ёшлик даврингизда фойдали ишдан баҳраманд булиш, хулқни чиройли қилиб, мукаммалликка эришиш, дилни асир этадиган даражада муомалани урганиш... Эҳ-ҳе, жуда кўп фойда топасиз ундан! Шунинг учун уни ўқинг. Янгиликлар, яхшиликлардан хабардор булишга ҳаракат қилинг. Ана шунда Ғанининг саволига тезда жавоб берасиз. Ана шунда ёшлигингизданок яхшилик қасрига гишт қўйган бўлиб, илдизлари бақувват дарахтга айланасиз. Чунки ширин данакдан ширин мева етишганидек, сизга ширингина тил билан одам ҳақида, олам ҳақида, яхшилигу ёмонликлар ҳақида ҳикоя қиладиган «Тонг юлдузи» ҳаминшалик ҳаммаслак, ишончли ҳамроҳ була олади.

## ЭТИКДҮЗ ҚҶШИҒИ

Мен этикдўз, этикдўз,  
Этигимга йўқдир сўз.  
Ҳавас қилинг ошналар  
Тақ-туқ қилар пошналар.  
Кечагина қирқоёқ  
Кирди, қўлида таёқ.  
Танлади оёқ кийим.  
Шунча танлаш ҳам қийин.  
Деди: Топиб бер ошна,  
Этиқлар баланд пошна.  
Қирқта пошна оёққа  
Бири — қўлтиқ таёққа.

## НОНВОЙЛАР ҚҶШИҒИ

Не бўлмаса ёзилмас,  
Меҳмонларга дастурхон,  
Дастурхонга энг аввал  
Не қўйилар? Иссиқ нон.  
Бўрсилдоқми ё патир,  
Пиёзми ё жиззали.  
Седанали, қатпатир  
Бари бирдек мазали.  
Бари бирдек инсоннинг  
Йўллардаги ҳамроҳи.  
Жондан айри дейилмас,  
Нондир жоннинг ўртоғи.  
Айтилгичи, қай пазанда  
Туради энг азонда?  
Тугри топдингиз, нонвой,  
Усиз барча ҳоли вой.

## ЧАҚМА ЧАҚАР

Чақма чақар,  
Олов ёқар.  
Кимни чақсам  
Дей боқар.  
Чақди мени.  
Чақди уни  
Кеча, бугун, ўтган кун  
Чақма чақар,  
Олов ёқма!  
Ҳадеб, ҳадеб  
Бизни чақма!  
Чаққин писта  
Чаққин ёлғоқ,  
— Чақсам чақай,  
Бергин тезроқ.

## ҚИЗҒАНЧИК

Қизғанчиқ чиқ-чиқ  
Уйинчоқларингни йиғ.  
Олгин кема, қайиқни  
Қўғирчоқни, айиқни.  
Коптоқни ҳам олавер,  
Ёлғиз ўзинг қолавер.  
Қизғанчиқ, чиқ-чиқ.  
Уйнаймиз қувлашмачоқ,  
Уйнаймиз бекиммачоқ,  
Уйнаймиз кўзбойлогич,  
Сен бўла қол пойлогич  
Бир уюм уйинчоққа.  
Кўзичоқ, қўғирчоққа.  
Коптоққа ва қайиққа,  
Самолётга, айиққа,  
Қўлингизда бўёқ қалам  
Дўстларсиз қилар алам...

Кавсар ТУРДИЕВА.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

**Бош муҳаррир**  
**Умида**  
**АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир хайъати:**  
**Наримон ОРИФЖОНОВ,**  
**Феруза ЖАЛИЛОВА,**  
**Раҳима ШОМАНСУРОВА,**  
**Марат ШАФИЕВ,**  
**Сайриддин ХОЛОВ**  
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терилди ва  
сахифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буқуртма — Г 0397.  
11.000 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босингиз топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Мавзелингиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Телефон:  
• 33-44-25

